SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

**ISSN:** 2181-1342 (Online)

**Сайт:** https://scienceproblems.uz

**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

***№ S/4 (3) – 2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ........ 10-21

*Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ........ 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ........ 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
OʻZBEKISTONDA XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTLARINING OʻRNI ........ 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ........ 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARGʻONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ........ 52-58

*Фарманова Гульнара Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ ........ 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ........ 66-71

*Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ........ 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ........ 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ........ 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ........ 96-102

## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ........ 103-109

*Фозилов Умид Закирович*
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ ........ 110-118

*Shoyev Davronbek Axmadjonovich*
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI ........ 119-125

*Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи*
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ  САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ........ 126-133

*Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur*
O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI ........ 134-139

*Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li*
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI ........ 140-146

*Ёдгорова Шахноза Хайридиновна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ ........ 147-155

*Qurbonov Ma’murjon G‘ayrat o‘g‘li*
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI ........ 156-166

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 167-172

*Маматов Бахадир Сафаралиевич*
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ ........ 173-188

*Ғойипназаров Санжар Баходирович*
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 189-195

*Садинов Азиз Зиядуллайевич*
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 196-203

*Қурбонова Рахима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир*
ИЖТИМОИЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ........ 204-216

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o‘g‘li*
YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI ........ 217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ........................................................................................................................ 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ................................................................. 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*
QISHLOQ XOʻJALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING FUNKSIYALARI ..................................................................................................................... 246-250

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ........................................................................................................................................ 251-259

*Ibroximov Sarvar Moʻydinjon oʻgʻli*
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA OʻQITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH ................................................................................................................ 260-265

*Yuldashev Ibroxim Toʻychiyevich*
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SANʼATINING ADABIYOT BILAN OʻZARO UYGʻUNLIGI VA GʻOYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING MUSHTARAKLIGI ............................................................................................................. 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING OʻZIGA XOSLIGI ........................................................................................................................... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА ............................................................................................................................... 278-283

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*
OʻZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK BIRLIKLAR BOʻYICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR .............................................. 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*
XURSHID DAVRON SHEʼRIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ........................................................ 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАСНИФИ ....................................................................................................................................... 298-304

*Gubaydullin Artur Faridovich*
THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' .... 305-313

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi*
ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO‘NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ... 314-318

*Seytnazarova Injayim Erjanovna*
TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO‘LLANILISHI ... 319-325

*Асадова Дилбархон*
ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ ... 326-342

*Khusanov Eldor Davlat o‘g‘li*
BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI ... 343-348

## *12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР*

*Утемуратов Махмут Ажимуратович*
ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ... 349-355

*Шымбергенова Улзада*
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ... 356-362

*Полвонов Нажмиддин Аслиддинович*
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ... 363-372

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ ... 373-382

*Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли*
“ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” ... 383-392

*Махмудов Суннат Азим ўғли*
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ... 393-399

## *13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*

*Farrux Axmedov*
XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH ... 400-409

*Музафарова Саодат Хайдаровна*
ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ ... 410-415

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*
BO’LAJAK INGLIZ TILI O’QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O’QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукурова Нафиса Алишеровна*
ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*
FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O‘YINLARNING AHAMIYATI ... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*
БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o‘g‘li*
ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*
BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG‘LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*
BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*
O‘QITUVCHI  MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO‘LLARI ... 457-465

*Atamuratova Munira*
O‘ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O‘QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI ... 466-471

*Нурилло Эминов*
ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР ... 472-476

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/4 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00-Иқтисодиёт фанлари*

**Исломов Алишер Бахтиёр ўғли**
ЎзР ЖХУ мустақил изланувчиси
E-mail: alisher@mail.ru
Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Молиявий таҳлил ва аудит" кафедраси, PhD **Б.У.Ташбаев** тақризи асосида

## БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

**Аннотация.** Мақолада бухгалтерия аутсорсинг фирмаларининг бухгалтерлари томонидан профессионал хизматлар кўрсатиш, уларнинг мақоми, бухгалтерия аутсорсерларининг ахлоқий тамойиллари, бухгалтерия аутсорсинг компаниясининг бухгалтерия хизматлари тарифлари ва бухгалтерия аутсорсинг хизматлари турларини қўшимча киритиш мақсадга мувофиқлигини очиб бериш, шу орқали ушбу хизматлар турларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** профессионал хизматлар, аҳлоқий тамойиллар, бухгалтерия аутсорсинг хизматлари тарифлари, бухгалтерларнинг мақомлари.

---

**Исламов Алишера Бахтиёр угли**
Независимый исследователь Уз Рес ОБУ
Электронная почта: alisher@mail.ru
На основании отзыва **Ташбаева Б.У.**, к.э.н., кафедра «Финансовый анализ и аудит» Ташкентского государственного экономического университета

## ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА ПРИ ОКАЗАНИИ УСЛУГ БУХГАЛТЕРСКОГО АУТСОРСИНГА

**Аннотация.** В статье рассмотрено оказание профессиональных услуг бухгалтерами бухгалтерских аутсорсинговых фирм, их статус, этические принципы бухгалтерских аутсорсеров, тарифы на бухгалтерские услуги бухгалтерских аутсорсинговых компаний и целесообразность дополнительных видов бухгалтерских аутсорсинговых услуг, тем самым даны предложения по совершенствованию этих видов услуг.

**Ключевые слова:** профессиональные услуги, этические принципы, расценки на услуги бухгалтерского аутсорсинга, статус бухгалтеров.

---

**Islamov Alisher Bakhtiyor ugli**
Independent researcher of Rep of Uzb UPS
E-mail: alisher@mail.ru
Based on the review by **B.U. Tashbaev,** Ph.D., "Financial Analysis and Audit" Department, Tashkent State University of Economics

## ENSURING PROFESSIONALISM IN THE PROVISION OF ACCOUNTING OUTSOURCING SERVICES

**Abstract.** In the article, the provision of professional services by the accountants of accounting outsourcing firms, their status, ethical principles of accounting outsourcers, accounting outsourcing company's accounting service tariffs and the expediency of additional types of accounting outsourcing services, thereby highlighting the proposals for improving these types of services are highlighted.

**Keywords:** professional services, ethical principles, rates for accounting outsourcing services, status of accountants.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N27

**Кириш.** Хўжалик юритувчи субъектлар доимий ишлаб қолувчи, ишончли ва масъулиятли бухгалтерия ходимларини сақлаб туриш муаммога дуч келиши оқибатида бухгалтерия ходимларининг қўнимсизлиги даражаси ортишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай мутахассисларни ушлаб туришдаги қийинчиликлар ҳисобига бухгалтерия ҳисоби, маълумотнома, ҳуқуқий дастурлар таъминоти, зарурий жиҳозлар ва уларни қўлловчи ходимларни даврий ўқитиш ва янгилаш харажатлари ортишига сабаб бўлмоқда. Субъектда ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизми бухгалтерия ва солиқлар ҳисобларини юритишни аутсорсинг компанияларига ўтказиш ҳисобланади ва шу орқали харажатларни камайтириш, фаолият ва ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш имконини беради.

Аутсорсерлар томонидан кўрсатиладиган бухгалтерия хизматлари сифатини тартибга солишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири шундаки, амалда бухгалтерия аутсорсинг фирмаларининг раҳбарлари ва ходимлари одатда профессионал бухгалтерлар ёки ташқи аудиторлик малака сертификатига эга аудиторлар ҳисобланади.

Аутсорсерлар сифатида профессионал бухгалтерлар ва аудиторларга ўзига хос талабларга қўйилган: муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиш, умумий қадриятлар ва хулқ-атвор кодексига риоя қилиш, жамият олдидаги бурчларини англаш кабилардир. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи истеъмолчиларнинг касбий этика талабларига мувофиқ ишлайдиган бухгалтерлик касбининг бухгалтерия аутсорсинг вакилларига бўлган ишончини ошириш омилини ҳам ҳисобга олиш зарур. [1]

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бухгалтерия аутсорсинг фирмалари томонидан тақдим этиладиган бухгалтерия хизматлари сифат жиҳатдан талабларига жавоб бериши керак, бу эса, бухгалтерия аутсорсинг жараёнларини бошқариш мақсадини тушуниш учун мўлжалланган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бухгалтерия аутсорсинги ташқи ихтисослашган компаниядан фойдаланган ҳолда корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бериш функцияларини таъминлаш усулидир. Улар билан ҳамкорлик қилиш шакллари барча талаб этиладиган соҳаларда ўзаро бир-биридан фарқли жиҳатлари пайдо бўлиши мумкин.

Умуман олганда, бухгалтерия аутсорсинг компанияси мижоз корхона бухгалтерия бўлимининг банк муомалалари ва тўловларини амалга ошириш, учинчи шахсларга бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини тўлиқ пакетини тақдим эта олиши ва уларни доимий назоратини таъминлай олишидадир. Бироқ, айнан ана шу юқори самарадорликка эришиш учун ташқи компаниялар ва ички ходимлардан фойдаланган ҳолда етарлича мураккаб ва мослашувчан бизнес жараёнларини қуриш имкониятини

истисно қилмайди. Умуман амалиётда, бухгалтерия ҳисоби, офисга техник хизмат кўрсатиш (масалан, биноларни тозалаш), таржима хизматлари, транспорт хизматлари, компютер тармоғи ва ахборот инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш, реклама хизматлари ва хавфсизлик каби функциялар кўпинча аутсорсингга топширилади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби аутсорсинги бухгалтерия ҳисоби функцияларини ёки бухгалтерия жараёнларини ёки алоҳида бухгалтерия йўналишларини (иш ҳақини ҳисобга олиш, асосий воситаларни ҳисобга олиш, банк операцияларини ҳисобга олиш ва бошқалар), баъзан тегишли активлар билан биргаликда ташқи (учинчи томон) провайдерга ёки бошқа провайдерга ўтказишни англатади. Томонлар томонидан келишилган нархларда маълум вақт ичида муайян бухгалтерия хизматларини кўрсатадиган, бухгалтерия ҳисобининг маълум сифатини кафолатлайдиган ва ўзи ва мижоз учун ҳисобга олиш рискларини тақсимловчи провайдер. [2]

Бухгалтерия ҳисобини аутсорсинг қилиш барча муаммоларни бартараф этишини кутмаслигингиз керак. Бу стратегик молиявий менежментга қаратилган бўлиб, бу корхонанинг келажакдаги имкониятларини аниқроқ башорат қилиш имконини беради, аммо харажатларни оптималлаштириш орқали аниқ режани тузишга ёрдам берадиган корхонани ривожлантириш стратегиясига эга бўлиш керак. Шу сабабли, биз бухгалтерия ҳисобини аутсорсингни компания фаолиятини ташкил этишнинг юқори самарали усули сифатида қабул қиламиз, бу иккала томон учун ўзаро манфаатлидир. Ушбу тартибга солиш орқали аутсорсинг компанияси ўз фаолиятини самарали бошқариш билан бирга рентабелликка эришиши мумкин.

Юқорида айтилганларга асосланиб, аутсорсинг фирмалар учун жуда фойдали деган хулосага келиш мумкин. Ҳатто уни ишлатишда барча камчиликларни, баъзи салбий томонларни ҳисобга олсак, у мунтазам операциялардан халос бўлишга ёрдам беради. Шу билан бирга, аутсорсер компания, биринчидан, ўз пулларини тежайди; иккинчидан, молиявий ҳисобот сифатини яхшилайди; учинчидан, ички ресурсларни бўшатиб, уларни асосий фаолиятга йўналтиради. Бундай хизмат кўрсатиш корхоналарга фойдали жараёнларга кўпроқ эътибор қаратиш, янги технологияларни ўрганиш, ривожланиш ва такомиллаштириш, шу орқали бозорда рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолани тайёрлашда бухгалтерия аутсорсинг хизматларини аҳлоқ кодекси тамойилларига амал қилган ҳолда профессионал хизматлар кўрсатишдаги мавжуд муаммолар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таққослаш, индукция, дедукция, солиштирма ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Мижоз корхона бухгалтерия ҳисобини юритишни аутсорсинг қилишни танласа ва бу самара берса, шатномалар узлуксизлигини таъминаш ва доимий ҳамкор сифатида кўришга интилади. Аутсорсерлар эса, мижоз талабларини бажариш ва доимий хизматлар сифатини таъминлашлари мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги 1-жадвалда мижоз талаблари бўйича аутсорсерлар томонидан доимий амал қилиниши бўйича тамойиллар жамланган.

1-жадвалда келтириб ўтилган асослар, яъни ушбу тамойилларга бухгалтерия аутсорсерларнинг амал қилиши бизнингча, бухгалтерия аутсорсинг хизматларининг

мақсадларини, уларни стандартларга мувофиқ профессионал хизматлар кўрсатиши сифатли натижаларни таъминлаш ва умумий талабларга мувофиқ равишда қондириш сифатида шакллантиришга имкон беради.

Бизнингча, мижоз корхона бухгалтерия маълумотларини шакллантиришда ахлоқий ва профессионаллик тамойилларини амалга ошириш қуйидаги талабларни таъминлайди, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир: [3]

• ишончлилик – бухгалтерия маълумотларидан фойдаланувчиларни энг ишончли манбалардан олинган маълумотлар билан таъминлаш;

• профессионаллик – аутсорсерлар томонидан юқори профессионалликка эга мутахассислар хизматлари билан таъминлаш;

• сифатли хизматлар – мижоз корхона маълумотларидан фойдаланувчиларга профессионал аутсорсер бухгалтер ходимнинг юқори сифат даражасидаги хизматлар кўрсатиш қобилиятини таъминлаш;

• ишонч – аутсорсерлар ва мижозлар ўртасидаги ўзаро ишончли ҳамкорликни таъминлаш ҳамда доимий ҳамкорларга айланиш.

1-жадвал

**Бухгалтерия аутсорсерларининг ахлоқий тамойиллари**

| **Ахлоқий тамойиллар** | **Таъриф** |
|---|---|
| Ҳалоллик | Аутсорсерларнинг мижоз фаолиятига холисона баҳо бериши ва уларга кўрсатиладиган бухгалтерия аутсорсинг хизматлари ишончлилигини кафолатлашларидир. |
| Объективлик | Мижоз корхонадаги ҳар бир воқеа ва ҳодисаларга объектив ёндашув асосида қарорлар чиқариш ва мижозга бухгалтерия аутсорсинг хизматларини кўрсатишда ҳар бир ўтказилган муомалаларни ўз ҳолича қабул қилиш ҳамда акс эттириш демакдир. |
| Касбий компетент-лилик | Аутсорсерларни ўз касбига бўлган меҳрлари, ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиши, ўз мажбуриятларини тўлақонли бажариши, касбий билим ва кўникмаларни қўллай олиши ҳамда шахсий фазилатларини ошкор қила олишидир. |
| Махфийлик | Ҳар бир жараённи бетараф қабул қилиб, мижоз тижорат сирлари махфийлигини таъминлаши, амалдаги қонунчиликка риоя қилиш, мижоз ва ўзини обрўсизлантиришга йўл қўймаслик. |
| Профессио-нализм (ўз касбини устаси бўлиш) | Аутсорсерларни бухгалтерия хизматларини кўрсатишда ўз билим ва тажрибаларини кўрсата олиши, хизмат кўрсатишда доимий сифатни ушлаб туриши ва ҳамкасбларни камситмаслик ҳамда уларга бўлган муносабатларда очиқликни таъминлашидир. |

Юқорида кўрсатилган сифат тавсифлари ва уни таъминлаш тизими учун зарур бўлган жараёнлар юқори бошқарув ҳаракатлари, ресурслар билан таъминлаш, маҳсулотни жорий этиш, ўлчаш, кўриб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай мижоз корхона раҳбари аутсорсерни танлашда амалда профессионал бухгалтер мақомига эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур, яъни:

1) амалиётчи профессионал бухгалтер;

2) профессионал бухгалтер;

3) ходим;

4) вазифаларни бажарувчи бухгалтер.

Мижоз корхона раҳбарлари ва мутахассислари одатда, аутсорсер бухгалтерни танлашнинг энг муҳим мезонларидан бири, мижозлар учун бухгалтерия хизматларини кўрсатишдаги мақбул нархлар билан бир қаторда аутсорсер бухгалтерларни ахлоқий ва профессионал тамойиллар ҳамда меъёрларга риоя қилиш асосида кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳисобланади.

Бухгалтерия аутсорсинг асосида бухгалтерия ҳисоби бўйича хизматлар кўрсатиш уларга тақдим этилаётган маълумотларнинг сифати билан белгиланади, бу эса, мижоз корхонанинг молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари тўғрисида маълумот олишдан манфаатдор бўлган ахборотлардан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш кўрсаткичига таъсир этади. Ахборотлардан фойдаланувчи 3-шахслар аутсорсинг бухгалтерлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар сифатига тегишли талабларга эга. Ички фойдаланувчилар корхонани бошқариш, бизнес режалар тузиш, таҳлиллар ўтказиш, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни мониторинг қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш учун маълумотларнинг фойдалилиги ва унинг фаолияти молиявий натижалари тўғрисида маълумот олиш учун манфаатдордирлар. Иккала маълумотлардан фойдаланувчилар учун маълумотлар фойдалилик мезонига эга бўлиши керак, бу эса бухгалтерия ҳисоби маълумотлари сифатининг асосий мезони ҳисобланиб, самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва минимал ҳаракатлар билан маълум мақсадларга эришиш имконини беради. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг сифати ишончлилиги ва тўлиқлиги, бухгалтерия маълумотларини тайёрлаш жараёнининг сифати сифатида уни юритиш қоидалари ва тамойиллар билан ҳам белгиланади. Санаб ўтилган талаблар яратилган бухгалтерия маълумотларининг тўғрилигини баҳолаш мезонлари бўлиб хизмат қилади. [4]

Аутсорсер-бухгалтер амалдаги қонунчилик талабларига ва мижоз корхонанинг ички стандартларига, хусусан, биз томонимиздан ишлаб чиқилган "Бухгалтер-аутсорсингнинг ахлоқ кодекси ва мижоз корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби сифатини назорат қилиш" стандартига риоя қилиши шарт. Модомики шундай экан, бухгалтерия ҳисобининг мақсадлари, унинг сифати устидан ички назорат ва ташқи аудит сифатини назорат қилиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби ички сифат назорати остида бўлиб, унинг сифати, ўз навбатида, ташқи аудит томонидан баҳоланади.

Ўзбекистонда бухгалтерия аутсорсинг хизматларидан фойдаланувчилар сони кўплигини ҳисобга олсак ва уларнинг аксарияти масъуляти чекланган (МЧЖ) шаклда эканлигини инобатга олсак, бундай мижоз корхоналарда ташқи аудит текширувлари ихтиёрий тарзда жалб қилинади. Бу эса, бухгалтерия аутсорсинг фирмалари учун масъулият даражасини кенг кўламли эканлигини билдиради, чунки, бугунги кунда бухгалтерия аутсорсинг мижозларининг барчаси ҳам ташқи аудиторлик

текширувларидан ўтавермайди. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби тизимининг мақсади тақдим этилган маълумотларнинг фойдалилиги сифатини баҳолашдан иборат бўлиб, бухгалтерия маълумотларининг сифатини ички назорат қилишнинг мақсади - бухгалтерия ҳисоби хизматлари сифатини унга тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги билан боғлиқ ҳолда баҳолаш.

Бизнинг фикримизча, аутсорсинг бухгалтерлари ўрта ва кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатишда алоҳида ва муҳим иқтисодий вазифаларни бажариб келмоқдалар. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда аутсорсинг бухгалтерлари мижозлари орасида бизнес субъектлари ва тижорат корхоналари сони ортиб бормоқда, аммо уларнинг бухгалтерия ҳисоби аутсорсингини қамраб олиш шакллари ҳали ҳам тўлиқлилигича амалга оширилмаяпти. Молиявий ҳисоботлар маъулмотларидан фойдаланувчилар учун бухгалтерия ҳисоби аутсорсинг хизматлари сифатини тартибга солиш масалалари эса, муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқоти натижаларига кўра, биз бухгалтерия аутсорсинг фирмаларига мижозларга кўрсатиладиган бухгалтерия хизматлари сифатини тартибга солишни таклиф қиламиз, уларни қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

• мижоз корхоналар вакиллари билан шахсий мулоқот ўрнатиш орқали янгича ва замонавий ғояларни ишлаб чиқиш;

• замонавий шароитларда бухгалтерия аутсорсингига бўлган эҳтиёжни доимий мониторинг қилиб бориш;

• бухгалтерия аутсорсинг хизматларига уларни тақдим этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун етарли эканлигини аниқлаш;

• бухгалтерия хизматлари бозорининг аутсорсинг фирмасининг мавжуд ташкилий-ҳуқуқий ва малакавий тузилмасига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

• замонавий хизматларни таклиф этиш ва уларни реклама қилиш бўйича ички режалар ишлаб чиқиш, хусусан, талабни рағбатлантириш мақсадида бухгалтерия хизматларининг турлари бўйича маълумотларни кенг кўламли фойдаланувчилар эътиборига етказиш. [4]

Бухгалтерия аутсорсинг хизматининг юқори сифатини таъминлаш учун биз аутсорсинг фирмаларига турли ички стандартларни ишлаб чиқиш зарурлигини, хусусан “Бухгалтер-аутсорсингнинг ахлоқ кодекси ва мижоз корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби сифатини назорат қилиш” ички стандартини асос қилиб олишни таклиф этамиз. Ушбу ички профессионал стандарти бухгалтерия аутсорсинг фирмалари учун бухгалтерия ҳисобини масофавий аутсорсинг асосида ташкил этишда, айниқса ходимларнинг бошқарув ҳисобини шакллантиришда самарали ва фойдали деб ҳисоблаймиз.

Бухгалтерия аутсорсинг фирмаларида шунга ўхшаш ички стандарт амалга оширишнинг турли афзалликлари мавжуд, шунинг учун уларда қуйидаги талаблар бўйича ички стандартларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

• ёш кадрларни ишга қабул қилиш ва “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш;

• лавозим тавсифлари ва йўриқномаларини ишлаб чиқиш;

• ходимлар малакасини ошириш бўйича режаларини ишлаб чиқиш;

• бухгалтер-аутсорсерлар фаолияти даражаларини белгилашда KPI (асосий самарадорлик кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва бошқалар.

Пировард натижада, бухгалтерия аутсорсинг хизматлари сифатини оширишга, аутсорсерлар томонидан барча даражадаги меъёрий ҳужжатлар талабларини бажаришга бундай ёндашув мижозларнинг ҳам, уларнинг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчиларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди, чунки масофавий бухгалтерия аутсорсинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни яхшилашга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, мижоз корхоналар бухгалтерия ҳисобини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланадиган бухгалтерия аутсорсинг фирмасини танлашдан воз кечмасликлари зарур, чунки бухгалтерия аутсорсинг хизматлари бўйича таклифларни танламаслик ҳар доим қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

• бухгалтерия аутсорсерларга нисбатан штатда ишловчи бухгалтерларга сарфланадиган харажатларнинг юқорилиги;

• бухгалтерия аутсорсерларига нисбатан штатда ишловчи бухгалтерлар иш фаолиятида турли ноқулайликларни келтириб чиқариши;

• баъзи мижоз корхоналар зарарни қоплаш мақсадида штатдаги бухгалтерга паст нархларда иш ҳақи таклиф этиши натижасида уларни ишдан ўз хохшига кўра кетиб қолиши;

• корхона иш кўламлари кенгайиши билан штатда ишловчи бухгалтерларни иш ҳақиларини ошириши бўйича мурожаатларни кўпайиши;

• корхона раҳбарини (ижрочи директорни) иқтисодиёт соҳалари бўйича етарли билимларга эга бўлмаганида штатда ишловчи бухгалтерлар томонидан моливий ресурларини ноқонуний ўзлаштиришлари эҳтимоли ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича аутсорсинг хизматлари учун таклиф этилаётган ва жорий тарифларнинг қиёсий таҳлили ва уларнинг ўртача чегараларини (минимал ва максимал) ҳисоблаш шуни кўрсатадики, ўртача ҳисобда бухгалтерия аутсорсинг фирмалари хизматлари нархлари тахминан бир ҳил.

## Адабиётлар/Литература/References:

1. Mamatqulov M.Sh., Abdullayev F.F. Transformation of accounting of main means in water enterprises based on international standards. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137. Vol. 12, Issue 07, July 2022. p 50.
2. Гильмиярова М.Р. Проблемы и перспективы развития бухгалтерского аутсорсинга // Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2017. № 2. С. 76–80.
3. Гусарова О.М. Инвестиции как фактор регионального развития // Фундаментальные исследования.- 2015. -№ 2-10. –с.2194-2199
4. Гранберг А., Зайцева Ю. Производства и использование валового регионального продукта: межрегиональные сопоставления // Российский экономический журнал. 2002. № 10.
5. Snezana R., Zoran M., Zorana K., Ljubisa V.. Measuring of The Goods and Labor Markets Efficiency: Comparative Study of Western Balkan Countries. // Montenegrin Journal of Economics, Vol. 15, No. 2 (2019), 095-109. – 98 p.

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ S/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).